



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3569
2024 - yil 05 - Noyabr

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI KORRUPCIYA GA QARSHI KURASHISH AGENTLIGI DIREKTORINING BUYRUG'I

**Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома,
эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациялар
ва манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрининг
намунавий шакллари тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги
Қонунининг 9-моддасига мувофиқ буюраман:

1. Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома, эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациялар ва манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрининг намунавий шакллари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ 2024 йил 6 декабрдан эътиборан кучга киради.

Direktor
21-Oktabr 2024-yil
65-сон



BURXANOV AKMAL
ESHONDEDAYEVICH

Kelishildi:

Vazir
30-Sentabr 2024-yil



ZAXIDOV BOTIR
ERKINOVICH

Direktorning
birinchi o‘rinbosari
27-Sentabr 2024-yil



MUSAYEV
AMIRTEMIRXON
FATIXOVICH

Rais

27-Sentabr 2024-yil



RAFIKOV
KUDRATULLA
MIRSAGATOVICH

**Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома, эҳтимолий
манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациялар ва манфаатлар
тўқнашувини ҳисобга олиш реестрининг
НАМУНАВИЙ ШАКЛЛАРИ**

Ушбу намунавий шаклларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими (бундан буён матнда ходим деб юритилади) – давлат органларида ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, давлат муассасаларида, давлат унитар корхоналарида, давлат мақсадли жамғармаларида, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) асосида ёхуд сайлаб қўйиладиган ёки тайинладиган лавозимларда меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган бошқарув ходими;

ходимга алоқадор шахслар (бундан буён матнда алоқадор шахслар деб юритилади) – ходимнинг яқин қариндошлари ҳамда ходим ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахс;

манфаатлар тўқнашуви – шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият;

яқин қариндошлар – ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари.

1-боб. Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарноманинг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

_____га
(бевосита раҳбарнинг лавозими ва Ф.И.О.)

_____дан
(ходимнинг лавозими ва Ф.И.О.)

Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ХАБАРНОМА

Мен ушбу хабарномада ўзим ва менга алоқадор шахсларнинг мавжуд манфаатлар тўқнашувига оид қуйидаги маълумотлар тўғрисида хабар бераман:

1. Ходимга оид маълумотлар

1.	Идентификация ID-картаси ёки биометрик паспорт маълумотлари (серияси, рақами, берилган санаси)	
2.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) (мавжуд бўлган тақдирда)	

2. Алоқадор шахсларга оид маълумотлар*

Ходимнинг яқин қариндошига оид маълумотлар		
1.	Фамилия, исми, отасининг исми	
2.	Идентификация ID-картаси ёки биометрик паспорт маълумотлари (серияси, рақами, берилган санаси)	
3.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) (мавжуд бўлган тақдирда)	
Ходим қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахсга оид маълумотлар		
1.	Юридик шахснинг номи	
2.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	
Ходимнинг яқин қариндоши қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахсга оид маълумотлар		
1.	Юридик шахснинг номи	
2.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	

*Ходим унга алоқадор шахсларнинг (ходимнинг яқин қариндошлари ёки ходимнинг яқин қариндошлари устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қиладиган ёхуд бошқарув органи раҳбари ёки аъзоси бўлган юридик шахс) идентификация ID-картаси (биометрик паспорти), ЖШШИР, СТИР бўйича маълумотларни олиш имкониятига эга бўлмаса, у томонидан тегишли позицияларда “маълумотга эга эмасман” деб изоҳ кўрсатилиши мумкин.

3. Мавжуд манфаатлар тўқнашуви бўйича маълумот

1.	Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумот	
----	--	--

Ходимнинг лавозими

*Шахсий имзо ёки электрон
рақамли имзоси*

(Ходимнинг Ф.И.О.)
Тўлдирилган сана 20__ йил “__” ____

Ходимнинг бевосита раҳбари

Мавжуд манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича кўрилган чора:

Ходимнинг бевосита
раҳбарининг лавозими

*Шахсий имзо ёки электрон
рақамли имзоси*

(Ходимнинг Ф.И.О.)
Тўлдирилган сана 20__ йил “__” ____

Мавжуд манфаатлар тўқнашуви аниқланган ҳолатлар Манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрида рўйхатга олинган санаси ва тартиб рақами: 20__ йил “__” “____”;
_____-сон.

.

2-боб. Ходимнинг эҳтимолӣ манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациясининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

Мен, _____ ушбу
(фамилияси, исми, отасининг исми ва унинг лавозими)

(йиллик/ишга қабул қилинаётганда/бошқа ишга ўтказилаётганда)

тўлдираётган декларацияда ўзим ва менга алоқадор шахсларнинг эҳтимолӣ манфаатлар тўқнашувига оид қуйидаги маълумотларни ошкор қиламан:

1. Ходимга оид маълумотлар

1.	Идентификация ID-картаси ёки биометрик паспорт маълумотлари (серияси, рақами, берилган санаси)	
2.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) (мавжуд бўлган тақдирда)	

2. Алоқадор шахсга оид маълумотлар*

Ходимнинг яқин қариндошига оид маълумотлар		
1.	Фамилия, исми, отасининг исми	
2.	Идентификация ID-картаси ёки биометрик паспорт маълумотлари (серияси, рақами, берилган санаси)	
3.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) (мавжуд бўлган тақдирда)	
Ходим қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахсга оид маълумотлар		
1.	Юридик шахснинг номи	
2.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	
Ходимнинг яқин қариндоши қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахсга оид маълумотлар		
1.	Юридик шахснинг номи	
2.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	

*Ходим унга алоқадор шахсларнинг (ходимнинг яқин қариндошлари ёки ходимнинг яқин қариндошлари устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қиладиган ёхуд бошқарув органи раҳбари ёки аъзоси бўлган юридик шахс) идентификация ID-картаси (биометрик паспорти), ЖШШИР, СТИР бўйича маълумотларни олиш имкониятига эга бўлмаса, у томонидан тегишли позицияларда “маълумотга эга эмасман” деб изоҳ кўрсатилиши мумкин.

3. Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумот _____

4. Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияда кўрсатилиши керак бўлган маълумотлардан ташқари қўшимча маълумотлар (агар мавжуд бўлса)

(ходим томонидан манфаатлар тўқнашуви вазияти сифатида баҳоланадиган бошқа ҳолатлар кўрсатилади)

Ходимнинг лавозими

*Шахсий имзо ёки электрон
рақамли имзоси*

(Ходимнинг Ф.И.О.)
Тўлдирилган сана 20__ йил “__” ____

Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви аниқланган ҳолатлар Манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрида рўйхатга олинган санаси ва рақами: 20__ йил “__” “____”; реестр рақами ____-сон.

3-боб. Алоқадор шахсларнинг эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациянинг намунавий шакли

Мен _____, ушбу декларацияда алоқадор шахс
(фамилияси, исми ва шарифи)
сифатида ўзим ва ходим (ишга кираётган номзоднинг) эҳтимолий
манфаатлар тўқнашувига оид қуйидаги маълумотларни маълум қиламан:

1.	Ходимга алоқадор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
3.	Ходимга алоқадор юридик шахснинг номи	
4.	Ходимга алоқадор солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	
5.	Ходимнинг Ф.И.О. ва лавозими	
6.	Жисмоний шахснинг ходим билан қариндошлиги тўғрисидаги маълумотлар (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари)	
7.	Юридик шахснинг ходим билан алоқадорлиги тўғрисидаги маълумотлар (ходим ва унинг унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгаллик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахс)	

Алоқадор шахс

Шахсий имзо ёки электрон
рақамли имзоси

(Ф.И.О.)
Тўлдирилган сана 20__ йил “__” _____

Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви аниқланган ҳолатлар Манфаатлар тўқнашувини
ҳисобга олиш реестрида рўйхатга олинган санаси ва рақами: 20__ йил “__”
“_____”; реестр рақами № _____.

4-боб. Манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестри НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

[illegible]